ЛОЙИҲА-СМЕТА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН
ШАРТНОМА № **2/75-2022**

«06» июнь 2022 йиг                                                                 Наманган шаҳри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Нам. в. Қўриқлаш бошқармаси номидан рахбар А.Абдулласв бир томондан ва кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритиладиган «INVENT DIZAYN SERVIS» МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи жамият раиси Холмирзаев Бехзод Ахадханович иккинчи томондан, мазкур

**Наманган вилоят Туракургон тумани Янгиобод махалласи худудида Туракургон тумани Куриклаш булими учун маъмурий бино куриш лойиха-смета**
хужжатларини тайёрлаб бериш шартномасини тузиб имзоладилар.

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1. Бажарувчи мазкур шартнома шартларига кўра лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Бажарувчига лойиха-смета хужжатларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва инвестор томонидан молиялаштирилган маблағ хисобидан белгиланган муддатлардан кечикмаган ҳолда туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

2.1. Мазкур шартнома бўйича, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишлари учун Бажарувчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда
**75 000 000** **(Етмиш беш миллион)** сўмни ташкил этад

2.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар эса бундан мустасно:
- ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи, Бажарувчи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув битими билан расмийлаштирилади.

III. БАЖАРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1 Мазкур шартнома бўйича Бажарувчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
- барча ишларини мазкур шартномада ҳамда унинг 1 иловасига мувофиқ лойиҳа ишларни бажариш учун смета назарда тутилган ва муддатларда ўз кучи билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- ишларни бажариш давомида Буюртмачи томонидан талаб қилиб бориладиган маълумотлар ва шошилинч (оператив) сўровларни ўз вақтида ҳамда белгиланган муддатларда тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. Бажарувчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда тайёр лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида топшириш учун Буюртмачи олдида тўлиқ ҳамда мулкий жавоб беради.

IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
- ишлар бажарилиши шартномада қайд этилган Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- Бажарувчининг барча мурожаатларини 10 (ўн) кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
- Бажарувчига шартномага мувофиқ бўнак (аванс) бериш ва муҳандислик ҳисобларини бажариш ишлари бажарилишига қараб жорий молиялаштиришни (тўловни молиялаштириш органи томонидан молиялаштириб берилган маблағ хисобидан) амалга ошириш;
- Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

5.1. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий - жорий қийматининг 100 фоизи: **75000000** сум миқдорида, улушида аванс ўтказади (молиялаштириш органи томонидан молиялаштириб берилган маблағ хисобидан).

## VI. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.
6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Бажарувчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни вақтинча тўхтатиб туриш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.
6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## VII. ШАРТНОМАНИ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартнома тарафлар узи имзолаган пайтдан бошлаб Узбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПК-594 сонли карори, Вазирлар Махкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53-сонли карорига мувофик шартнома Газначиликдан (унинг худудий булинмаларида) руйхатдан утказилган кундан кучга киради.
7.2. Шартномани амал килиш муддати томонларни узаро туловларни хисоб-китобини амалга оширгунча давом этади.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:
- иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;
- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган бошқа тартибда жавобгар бўлади.

## IX. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

20 22 йил июнь ____________

20 22 йил декабрь ____________

## IX.ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

| Буюртмачи номидан : | БАЖАРУВЧИ: |
|---|---|
| Манзил: ____________ | «INVENT DIZAYN SERVIS» МЧЖ |
| Тел./факс: ____________ | Манзил: Наманган шахар, |
| ш/х.в: ____________ | Катта Наманган Канали кучаси, 49-уй |
| бюджетдан маблағ олувчининг СТИРи: ____________ | х/р: 2020 8000 1002 1688 1001 |
| ОКОНХ: ____________ | «Микрокредитбанк» Тошбулок филиали |
| Газна х/в: ____________ | МФО: 00254 ИНН: 302587154 |
| Газначилик бошқармаси СТИРи: ____________ | телефон: +998934991410 |
| МФО: ____________ | Жамият раиси |
| | Холмирзаев Бехзод Ахадханович |
| (имзо) ____________ | (имзо) ____________ |
| М.У. | М.У. |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY GVARDIYASI NAMANGAN VILOYATI QO'RIQLASH BOSHQARMASI 716008, Namangan shahri, Sirg'ali ko'chasi, 20a-uy. Х/с: 2159 6000 1001 9332 8001 ХККМ "MARKAZIY BANK" NAMANGAN МФО: 00 021 ИНН: 200 946 854 ОКЭД: 84 240 Tel: +99 869 227-28-43

Абдуллаев